O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 3 MART ◆ SHANBA ◆ № 28 (26.730)

**Ислом КАРИМОВ:**

**Ёрқин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилиш ва ақл-идрокига боғлиқ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА АКЦИЯЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Темир йўл транспортининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, тармоқни монополиядан чиқариш ҳамда унинг корхоналари ва ташкилотларини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш асосида транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни, ҳаракатдаги составни техника билан қайта жиҳозлашни таъминлаш, республика аҳолисига, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига темир йўл транспорти хизмати кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида:**

1. Қуйидагилар темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳисоблансин:

монополиядан чиқариш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ва темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;

йўловчилар ташиш, ҳаракатдаги составни, рефрижератор ва контейнер хўжалигини таъмирлаш корхоналарини босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш объектларини, таъмирлаш-қурилиш, савдо ва таъминот ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан, хусусий корхоналар ташкил этиш;

бошқарув тизимига ва ташиш жараёни қатнашчилари ўртасидаги хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

темир йўл комплексини реконструкция қилиш, янгилаш ва замонавийлаштиришга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

мамлакат иқтисодиётининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда темир йўл транспортининг аҳамиятини кучайтириш, темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 октябрдаги 401-сон қарори билан тузилган Темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юк ва йўловчилар ташиш бўйича ҳудудий дирекциялари ҳамда Оролбўйи бўлими негизида функционал таркибий бўлинмалар ва корхоналар ташкил этиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш, йўловчилар ва юк ташиш вагонлари, рефрижератор ва контейнер хўжалигини таъмирлаш корхоналарини босқичма-босқич очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш;

юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ижтимоий объектларни, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимидан чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, юк ва йўловчилар ташувчи, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, шунингдек, юк жўнатувчилар ва йўловчиларга транспорт-экспедиторлик ва сервис хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар:

давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади, шу жумладан, хусусий мулк сифатида сотилади, шунингдек, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилиши мумкин;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва қийматини пасайтириш мақсадида ўз фаолиятини рақобат асосида амалга оширади.

4. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

вокзалларда ва поездларда йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш, бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан, хусусий корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш;

темир йўлларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг поездлар ўтказиш қобилиятини ошириш, ягона техника сиёсати асосида илғор технологияларни, менежментнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш;

чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва темир йўл транспорти ҳамда халқаро юк ва йўловчилар ташиш соҳасида халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

5. Поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича бош тафтишчи аппарати «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси таркибидан чиқарилсин ва унинг негизида мустақил Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат») ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

темир йўллардан техник фойдаланиш, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигига, шунингдек, юк ва йўловчилар ташишда кўрсатиладиган хизматларга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

юк ва йўловчиларни темир йўлларда ташиш хавфсизлигига қаратилган профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва лицензиялашни ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертиза қилишда ҳамда темир йўл транспортининг янгидан қурилган ёки реконструкция қилинган объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш ишларида ушбу объектларда поездларнинг хавфсиз ҳаракат қилишини таъминлаш юзасидан қатнашиш;

темир йўлларда юк ва йўловчиларни хавфсиз ташиш бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида» 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сон Фармонининг 2- ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 2 март

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТ УМИДИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ



■ Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

## НАВБАТДАГИ ТАҚДИМОТ

1999 йилда MOTOROLA компанияси Тошкентда UMT RADIO JV қўшма корхонасини ташкил этган эди. Ўшанда юртимизда ишлаб чиқарилган дастлабки радиостанцияларнинг янги турлари тақдим этилган. Шу қисқа муддат ичида қўшма корхона томонидан 8 мингдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва уларга техник хизмат кўрсатилди.

Эндиликда Интернет тармоғига наинки компьютерлар ёрдамида, балки симсиз қурилмалар билан ҳам кириб бориш мумкин. Чўнтакда, уйда ёки автомобилда жойлашган қурилмалар кўмагида ахборот алмашиш имконияти мавжуд.

Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида UMT RADIO JV қўшма корхонасининг навбатдаги тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бунда яна турли русумдаги янги радиостанциялар намойиш этилди.

■ **Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*Гарвард университетининг профессори, Марказий Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича таниқли америкалик мутахассислардан бири, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчиси Доналд Карлайл ўз тадқиқотларидан бирида шундай деб ёзган эди:* ***«Ўрта Осиё бўйича ғарблик тадқиқотчилар, аввало, минтақада энг нуфузли мамлакат бўлмиш Ўзбекистонга ва унинг Президенти, Ўрта Осиёдаги коммунистик тузумдан кейинги раҳбарлар орасида энг машҳури Ислом Каримовга эътиборни қаратишлари керак».***

*Дарҳақиқат, хорижий тадқиқотчилар, машҳур сиёсатчилар ва жамоат арбобларининг Ўзбекистонга ва унинг раҳбари шахсига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон давлати ва унинг йўлбошчиси тўғрисида хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар яратилаётганлиги, сермазмун китоблар чоп этилаётганлиги бунинг ёрқин исботидир.*

*Ўзбекистонга бўлган жуда катта қизиқиш, шубҳасиз, аввало, унинг улкан иқтисодий имкониятлари, яъни иқтисодий жиҳатдан янги «Осиё йўлбарси»га айланиш истиқболлари, Марказий Осиёдаги сиёсий салмоғи, шу билан бирга мамлакатимиз нафақат Шарқ цивилизациясининг, балки жаҳон цивилизациясининг ҳам бешикларидан бири эканлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. 2000 йилда Москвада нашр этилган «Узбекская модель развития: мир и стабильность — основа прогресса» деб номланган янги китоб ҳам Ўзбекистон ва унинг йўлбошчиси тўғрисида яратилган салмоқли тадқиқотлардан биридир. «Ўзбекистон» нашриёти ана шу китобни «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси» номи билан кўп минг нусхада ўзбек тилида чоп этди.*

### БОШ МАВЗУ:

# ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИ

*Таниқли публицистлар М.С.Гафарли ва А.Ч.Касаевнинг қаламига мансуб ушбу китобнинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида босиб ўтган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли муфассал таҳлил қилинади. Дунё жамоатчилиги томонидан ривожланишнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида белгиланган улуғвор вазифалар, кенг кўламли дастурларни амалга ошириш тажрибаси ҳайратомуз мисоллар, қиёсий фактлар ва далиллар асосида ҳар тарафлама чуқур ва холисона ёритилган.*

*Муаллифлар Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга баҳо берар эканлар, биринчи навбатда Президент юритаётган сиёсатнинг туб моҳиятини таҳлил қиладилар. Уларнинг фикрича, Ислом Каримов мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссани аниқлаб олмасдан туриб, мазкур давлатнинг на иқтисодиётидаги, на сиёсатидаги аҳволни холисона баҳолаб бўлади.*

*«Агар Ислом Каримовнинг 10 йилдан ортиқ президентлик даври диққат билан таҳлил этилса, — деб таъкидлайди китоб муаллифлари, — уни муболағасиз ўз халқи учун бениҳоя кўп иш қилган, ҳозирги пайтда эса унинг буюк келажак йўлини оқилона очиб бераётган замонамизнинг энг ёрқин давлат арбобларидан бири дейиш мумкин. Чунки Ислом Каримовнинг, ҳатто энг ашаддий мухолифлари ҳам, айнан Президент тинчлик ва барқарорликка эришишни, Ўзбекистонда унчалик азобли бўлмаган ва дуруст натижалар берган бозор ислоҳотларини, 1996 йилда республикада бошланган барқарор иқтисодий ўсишни ва Ўзбекистоннинг давлат атрибутлари, мудофаа қобилияти мустаҳкамланишини таъминлаб берганлигини эътироф этмоқдалар».*

*Китоб муаллифлари «айнан Ислом Каримов аввал Фарғона, сўнгра эса Ўш фожиаларининг чигал тугунини ечишга муваффақ бўлганлигини» алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтар эканлар, уни «эътиқодли байналмилалчи ва айни пайтда узоқни кўра биладиган сиёсатчи», деб таърифлайдилар. Ўзбекистонда демократия тамойилларининг нечоғлик оқилона амалга оширилаётганлиги ҳам, аввало, давлат бошлиғининг доно сиёсати ва қатъияти билан боғлиқ эканлигига, бундай сиёсатнинг таъсирчанлиги эса қудратли армиянинг кучига ва битмас-туганмас бойликларга қиёсланишини жаҳон тажрибаси кўрсатаётганлигига эътиборни қаратадилар. Дарҳақиқат, «давлат бошлиғи оқилона сиёсат юритганда мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, уни обрў-эътиборли давлатга айлантириш мумкин».*

*Китобда қаламга олинган ўта муҳим мавзулардан бири Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Қолаверса, унда ижтимоий-сиёсий барқарорлик давлат ва жамиятни сиёсий ислоҳ қилишнинг асоси, айнан барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик жамиятни ислоҳ қилиш ва ривожланишнинг кафолатидир, дея таърифланади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва*





*жўғрофий-сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, халқаро терроризм ва диний ақидапарастликка қарши биргаликда курашишга, шунингдек, глобал экологик муаммоларни ҳам узвий ҳамкорликда, елкама-елка туриб ҳал қилишга қаратилган маълум ва машҳур ташаббуслари асло инкор этиб бўлмайдиган сиёсий далиллар, ёрқин мисоллар асосида таҳлил қилинганлиги, шубҳасиз, ўқувчида катта таассурот қолдиради.*

*Китоб муаллифлари Ўзбекистонда динга бўлган муносабат хусусида ҳам атрофлича тўхталганлар. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг динга бўлган муносабатини етарли даражада аниқ ифодалаб берган асарлари, маърузалари, фармон ва фармойишларининг моҳияти таҳлил қилинади. Ўзбекистонда виждон эркинлигини амалга ошириш борасидаги хайрли тадбирлар таърифланади. «Дин диний ишлар билан, давлат эса — давлат ишлари билан машғул бўлиши керак», деган муҳим тамойилнинг нечоғлик тўғри амалга оширилаётганлигига оид кўплаб характерли мисоллар келтирилади, шу билан бирга диннинг халқларни эътиқод ва эзгулик асосида бирлаштиришдан иборат вазифасини адо этиш йўлидаги мавжуд муаммолар ҳам ёритилади.*

*«Ўзбекистон кўп миллатлилик ва кўп динлилик шароитида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан доим ажралиб турган», — деб таъкидланади китобда. — Ўзбек заминида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари бир-бирини ўзаро тушунишга ва тотувликка интилаётгани республикадаги барқарорликнинг ўзига хос белгисидир.*

*Дарҳақиқат, миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз-ўзидан юзага келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир. Табиийки, бу сиёсатни рўёбга чиқаришда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Республиканинг ривожланиши давлат нафақат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли миллатлар ва динлар ўртасида дўстона муносабатларни таъкидлашда ҳам етакчи ислоҳотчи бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.*

*Китобда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, Ислом Каримов иқтисодиётда: «Давлат — бош ислоҳотчи» деган қатъий қоидага амал қилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги сиёсати «ўзбек модели»нинг энг муҳим тамойиллари асосида амалга оширилди. Ҳозирги вақтга келиб мамлакатда қулай макроиқтисодий иқлим вужудга келтирилди. Республика ўз модели асосида иқтисодий ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб илгарилаб бораётгани туфайли макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга ҳамда МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодиётнинг энг кам даражада пасайишига эриша олди. Шунинг учун ҳам кўпгина экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини чамалаб, республика иқтисодий ўсишнинг суръатларини давом эттириб, минтақада саноати тараққий этган бақувват давлатга айланиши мумкинлигини башорат қилмоқдалар. Уларнинг баъзилари ҳатто яқин келажакда Ўзбекистон «Осиёдаги янги иқтисодий йўлбарс» бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.*

*Мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган ушбу китобда зикр этилган кўплаб қимматли маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар, қиёсий-таҳлилий далиллар ва умумлашмалар, шубҳасиз, кишида бу эзгу башоратларнинг ҳақиқатга айланишига, мамлакатимизнинг келажаги чиндан ҳам буюк эканлигига қатъий ишонч уйғотади.*

■ **(ЎзА)**

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТГА ПАРВОЗ ЭТИБ

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланаётир. Кейинги йилларда Токиода «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатаяпти. Ана шу давр мобайнида Осака, Нагоя ва Миязаки аэропортларидан ватанимизга 80 та чартер қатновлари амалга оширилди.

2000 йил декабрида Тошкентдан Япониянинг яна бир шаҳри Осакага иккита йўловчилар қатнови амалга оширилди. Бу мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво қатновини очиш арафасидаги ўзига хос бош репетиция бўлди. Кеча эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Тошкентга келган Япония делегацияси ўртасида битим имзоланди. Шунга кўра, 27 апрелда мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво кўприги ўрнатилиб, Тошкент — Осака йўналиши бўйича қатновлар бошланади. Ўзбек учувчилари парвоз этадиган Кансай аэропорти кунчиқар мамлакатнинг иккинчи ҳаво дарвозаси ҳисобланади. Японияда ушбу қатновнинг очилишини наинки мамлакатларимизни боғловчи кўприк, балки Марказий Осиё минтақаси ва Кавказортига дарвоза сифатида қаралмоқда. Шу ўринда айтиш керакки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Японияга мунтазам парвозларни бажарувчи МДҲдаги иккинчи авиакомпания бўлади. «JAS» авиакомпанияси бизнинг фаол ҳамкорларимиздан бири ҳисобланади.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

## ҒОЛИБ — «БЕКОБОДЦЕМЕНТ»

Маълумки, катта завод ва корхоналарнинг экологияга таъсири ҳам катта. Мамлакатимиздаги улкан корхоналардан бири «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида «Экология: оналик ва болалик» илмий анжумани бўлиб ўтгани буни яна бир карра исботлади.

— Ушбу анжуманнинг корхонамизда ўтказилишига сабаб экологик тарбиянинг яхши йўлга қўйилганлигидир, — деди ҳиссадорлик жамияти раиси Умар Дадабоев. — Чунки бу соҳада ўтган йили Тошкент вилоятида биринчи ўринни эгалладик. Бу йил эса республикамизда ўтказилган экология ва саломатлик кунлари кўрик-танловида ғолиб бўлдик.

«Бекободцемент» қимматли мукофотни қўлга киритди. Бундай рағбат «Оналар ва болалар йили»да мамлакатимизда фаолият юритаётган гигант корхоналар экологик «тарбия»сини кучайтиришига руҳлантиради.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

## ХДП ХАБАРЛАРИ

# ШУ КУНЛАРДА

ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳузуридаги «Мулоқот» клубининг навбатдаги машғулоти «Миллат келажаги онадан бошланади» мавзуига бағишланди. Йиғилганларнинг эътибори оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига қаратилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Олмалиқ шаҳар кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ўтказилган навбатдаги семинарда, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш ҳамда Она ва бола йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини бажаришда партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифаларни муҳокама этди.

* * *

ХДП Бекобод туман кенгаши, «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда, «Бекобод цемент» ҳиссадорлик жамиятида, туман экологияси муаммоларини ҳал этиш масалаларига бағишланган, семинар ўтказди.

* * *

Шароф Рашидов туман партия кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг навбатдаги машғулоти, «Конституция — келажак кафолати» мавзуида, бўлди. Тадбирда туман прокурори С. Назаров, суд раиси Ғ.Холматов, туман партия кенгашининг биринчи котиби С.Холмуродовлар сўзга чиқдилар.

Мазкур туман партия кенгаши ташаббуси билан, Она ва бола йилига бағишлаб, «Аёл ва жамият» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказилди. Унда ҳуқуқшунослар, тиббиёт ходимлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар. Тадбир сўнггида «Қиёмат», деб номланган саҳна асари намойиш этилди.

* * *

ХДП Сирдарё туман кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маҳаллий бўлими ва туман суди билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Конституциясини ўрганишга бағишланган, «Саодатимиз кафолати» мавзуидаги, «давра суҳбат»лари 25 та корхона ва ташкилотларда бўлиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган машғулотлар Андижон вилоятидаги шаҳар ва туман партия ташкилотларида ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, Асака тумани «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида, «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғинида, Асака туман қишлоқ хўжалиги коллежида, Улуғнор тумани касб-ҳунар ўқув юртида, Марҳамат тумани «Электротехника» ип йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотларида ана шундай ўқув машғулотлари ташкил қилинди.

* * *

«Конституция — яшаш ҳуқуқидир» мавзуидаги «давра суҳбати» Наманган шаҳридаги «Пахталикўл» сиҳатгоҳи ХДП бошланғич ташкилоти томонидан ўтказилди.

* * *

ХДП Каттақўрғон туман ташкилотларида, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган, тадбирлар ўтказилмоқда. Улуғбек номли жамоа хўжалиги партия ташкилотининг йиғилишида Дурбиш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Жалолов, туман партия кенгаши котиби Б. Ибрагимовлар маърузалар билан қатнашдилар.

* * *

ХДП Булоқбоши туман кенгаши, Б. Ражапов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотида, «Кўппартиялилик шароитида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» мавзуида, партия ташкилотлари котиблари семинарини ўтказди. Булоқбоши туман партия кенгаши биринчи котиби С. Мирзаева, ширкат хўжалиги раиси А. Холматов, бошланғич партия ташкилотлари котиблари С. Маҳмудова, Т. Зунуновалар амалий таклифлар билан сўзга чиқдилар.

Семинарда Андижон вилоят партия кенгашининг котиби А.Носиров, Булоқбоши тумани ҳокими ўринбосари М. Юсупов, халқ депутатлари туман кенгашидаги ХДП депутатлар гуруҳи раиси М. Мингбоевлар қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон ХДП Янгиқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан, 7-механизациялаштирилган кўчма колонна бошланғич партия ташкилотида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш бўйича, «Қомусимиз — адолат кафолати» мавзуида, «давра суҳбати» ташкил этилди.

* * *

ХДП Учқўрғон туман кенгаши, маҳаллаларда, ХДП депутатлари иштирокида, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги муаммоларга бағишланган, йиғилишлар ўтказмоқда. Билдирилган таклиф-истаклар депутатлар назоратига олинмоқда.

* * *

Шаҳрихон туманидаги «Антекс» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилотининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. 15 нафар ХДП аъзоларидан иборат бу ташкилотга бошланғич партия ташкилотининг котиби этиб Ибодатхон Рашидова сайланди.

* * *

Улуғнор туман партия кенгаши, тумандаги 21-ўрта мактабда, ўқувчиларнинг шоира Шарифа Абдужамилова билан, Она ва бола йилига бағишланган, учрашувни ташкил этди.

* * *

ХДП Боёвут шаҳар кенгаши, Алишер Навоий таваллуд топган куннинг 560 йиллигига бағишланган, «Барҳаёт Навоий» мавзуида, маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда Навоий номли ширкатлар уюшмаси, 3-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотлари ва туман ёш ижодкорлари фаол иштирок этдилар.

* * *

Хатирчи туман партия кенгаши, туман ўқув юртлари талабалари иштирокида, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган, «Ғазал мулкининг султони» мавзуидаги, тадбирни ўтказди.

* * *

ХДП Қўшработ туман кенгаши, умумтаълим ва касб-ҳунар мактабларида, «Сиз қонунларни биласизми?» мавзуида, мактаблараро беллашувларни ташкил этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

*«Агарда буюк демократия тараққийпарвар бўлмаса, у сира буюк ҳам бўлмайди, демократия ҳам бўлмайди»*
**Теодор Рузвельт.**



# ДЕМОКРАТИЯ — ТАРАҚҚИЁТДИР

Давлатимизнинг ҳуқуқий ойнаси — Конституциямизда ҳукуматни халқ иродаси, яъни демократия бошқаришининг белгилаб қўйилиши давлатчилигимиз тарихидаги муҳим босқични бошлаб берди. Хўш, биз танлаган демократия йўли қандай йўл? Демократия нима? Унга нега ҳамма интилади?

Демократия деганда «халқ ҳокимияти»ни англаймиз. Демократия инсоният тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб унинг эрку иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келган. Албатта, бу борада кишилик жамияти шаклланиш давридан тортиб то ҳозирги кунгача бўлган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чуқур илдиз отган давлатчилик ва шу асосда маълум тартиб-қоидага асосланган аниқ йўналишлар ўртасида катта фарқ бор. Чунки асрлар давомида одамларнинг дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошиб боради.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган аҳолининг умумий дунёқарашини ўзида мужассам этади.

Қадимги Шарқда азалдан ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг турли элементлари мавжуд эди. Бунга Афросиёб ва Қорахонийлар, Хоразмшоҳ, Темурийлар ва бошқа қатор сулолалар давлатчилигини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу даврларда ҳақиқат ва адолат ғояси ниҳоятда баланд кўтарилгани ва бутун мамлакатда аниқ тартиб-интизом ўрнатилгани натижасида инсон ҳаёти, аҳоли турмуши кафолатланганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг биргина «Куч — адолатда» деган шиорида демократик ҳаракатларнинг энг илғор тажрибалари мужассам бўлган.

Биз бугун жаҳон демократик жараёнлари тобора чуқурлашган, унинг имкониятлари анча кенгайган, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мамлакатлараро ва минтақалараро таъсири кучайиб бораётган бир шароитда яшамоқдамиз. Энди демократиянинг шунчаки оддий эркинлик, ҳуррият, озодлик деган мазмуни ҳам бирмунча ўзгармоқда. Жумладан, демократиянинг маданияти, маърифати инсонлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, муроса ва якдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифалар анча кенгайди.

Демократиянинг муросачилик ва якдиллик маданияти мамлакат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, инсонлар — мамлакат фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик яхши бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатилса, барча учун умумий бўлган вазифалар олдида масъулият чуқур ҳис қилинса, бу демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини белгилайди.

Демократиянинг ташқи сиёсатдаги кўриниши қуйидагилардир:

— ҳар қандай можароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш;

— музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри хулосаларга келиш;

— масалаларни ақл-идрок билан, рўй-рост ва ошкора мулоқот қилиш асосида ҳал этиш.

Демократия — бу давлат бирлиги ва Конституция асосидаги қатъий тартиб-интизомдир.

Демократия — онгли фикрлаш, тафаккур, ақл-идрокка таянган муносабат. Демократия — юксак маънавият ва ички маданиятни ошкор этиш имконияти. Демократияни англаш — шахснинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади ва талаб қилади. Бунинг акси бўлган жойда бебошлик, парокандалик авж олади. Инсонларнинг ҳаёти таҳлика остида қолади. Демократия халқни давлат органларини тузиш, улар ишида иштирок этиш, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади.

Бевосита демократия — ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита, яъни шахсан иштирок этишидир. Унинг турларига сайловда овоз бериш, референдумда иштирок этиш, давлат органларига таклифлар киритиш ва бошқалар киради.

Вакиллик демократияси — давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида фуқароликнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёркин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» дейилган.

Демократия доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Айни пайтда у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янгича мазмун касб этиб борувчи воқеликдир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, демократия тажрибага асосланган ва доимий равишда мазмунан бойиб, баркамоллашиб, моҳияти чуқурлашиб борадиган фаолиятдир.

■ **Воҳид ТОПИЛДИЕВ, Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси**





*Отахоннинг нигоҳига бир назар ташланг. Кўнгли тўқ, замондан мамнун, қўли меҳнатда-ю дили Оллоҳда. Инсондан кейин у қилган эзгуликлар қолишига ишонади. Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси Йўлдош Носиров ана шундай инсонлардан бири. У ҳамиша Ҳадису шарифда айтилган «Эртага қиёмат бўлади десалар ҳам ниҳол экиб қол» ибратига амал қилади.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

*Каттақўрғон шаҳрида жами 438 та хусусий корхона ва фирмалар бўлиб, ундан 380 таси савдо, 10 таси қурилиш ва таъмирлаш, 24 таси ишлаб чиқариш, 15 таси маиший хизмат ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.*

*Тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарда кўрик-танлов ўтказилди. Кўрикдан мақсад тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни кенг оммага тарғиб қилишдир.*

*Кўрик-танлов бир неча йўналишда ўтказилди. Жумладан, ишлаб чиқариш бўйича «Гўштхаридсавдо» хусусий корхонасидан Баҳриддин Қобилов, тадбиркорлик бўйича «Нур» ишлаб чиқариш корхонасидан Маҳмуд Ҳожиев, ҳунармандчилик бўйича Александр Султонов, мисгар Меҳриддин Ҳайитов, Шариф Бегматовлар совринли ўринларни эгалладилар. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.*

■ **Эркатош ШУКУРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# МУКОФОТ — 500 МИНГ СЎМ

Қува туманида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш, ёш санъаткорлар маҳоратини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳозирги кунда туманда учта халқ ансамбли — «Анор», «Зебо», «Дилхирож» ҳамда «Дўстлик» фольклор-этнографик ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Мана 10 йилдирки, «Анор» халқ ашула ва рақс ансамбли пойтахтимиз Тошкентда Мустақиллик ҳамда Наврўз умумхалқ байрами тантаналарини ўтказишда иштирок этмоқда. Шу билан бирга ижодий жамоалар туман ва вилоят меҳнаткашларига юксак даражада маданий хизмат кўрсатаётир.

Маълумки, ҳар икки жамоа вилоят ва республика кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўтган йил якунига кўра, «Анор» халқ ашула ва рақс ансамбли республикада биринчи ўринни олди. Эришилган ана шу муваффақият билан қутлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман ҳокими М.Носиров «Анор» ва «Зебо» халқ ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари билан учрашиб, 500 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлади.

Айни пайтда қувалик санъаткорлар Наврўз байрами тантаналари ҳамда Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги шарафига Ватан, тинч ижодий меҳнат, ёшлик, истиқлол берган улуғ неъматларни улуғловчи янги дастурлар устида изланмоқдалар.

■ **Содиқ ДЕҲҚОНОВ**

# ФИРИБГАРЛАР

## уларнинг «югургани» ҳибсхонагача бўлди

Кузнинг охирги тунлари бўлса ҳам ҳавонинг чеҳраси очиқ. Бундай пайтда Вобкент мол бозорлари дарвозалари саҳарданоқ ланг очилади, олди-сотди авжига чиқади. Кимнингдир ошиғи олчи, кимнингдир...Ароқдан дадиллашиб олган Баҳриддин «мижоз» ахтарганича ошхонадан ташқарига мўралади. «Худога шукр, узоқ кутмадим. Ана, бозор ёнига оқ рангли «Дамас» келиб тўхтади. Ҳайдовчи машинадан пастга тушмасданоқ, ишга кириш». Шу ўй билан Баҳриддин «ўлжаси»ни сўроққа тутди:

— Вилоят давлат автомобиль назоратидан Баҳодировман, ҳужжатларни олинг буёққа! Худди шунга ўхшаш «Дамас» ўғирланган.

Умри чўпонликда ўтаётган Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигида яшовчи Раҳим Камолов «дан»чига барча ҳужжатларни бераркан, бир нима демоқчи бўлганда «инспектор» унга изн бермади:

— Ўнг томонга ўтиб ўтиринг, машинани компьютерда текширамиз, бўлинг тез!

Содда чўпон рулни қўшқўллаб фирибгарга топшираётганини билмасди. Буни қарангки, унинг хаёлидан ДАН ходимлари тунда фуқаро кийимида юришадиган бўлибди-да, деган ўй кечган бўлса ажабмас. «Инспектор» эса туман ички ишлар бўлими биносига бирров кириб чиққанида ва ҳужжатларингиз жойида, энди бир хизмат бор, Бухорога бориб келамиз, деганида ҳам ундан шубҳаланмади. Камолов «майли», дея қолди. Аммо, йўлда машина ағдарилганда, омон қолганига шукр қилди. Унинг юз-кўзи жароҳат олган, машинаси ўнг томони пачоқланганича ортга қайтишганда ҳам, бензин олиш учун чўнтагидан кетган 1600 сўм пулга ҳам ачинмади, тирик қолди-да!

«Инспектор» уни азонда Вобкент туман марказий касалхонасига жойлаштириб, «сиз ёта туринг, мен дори олиб келаман... машинангизни тузаттираман», деганди ўшанда. Аммо, доридан ҳам, машинадан ҳам эрталабгача дарак бўлмагач, бетоқатланаверди. Буни кўрган дўхтирлар Баҳриддин кимлигини жабрланувчига айтиб беришди: у ДАН ходими эмас, муқаддам судланган, Вобкент шаҳридаги Улуғбек кўчасида яшайди, фирибгарликда олдига тушадиганлар кам топилади, милицияга хабар бериш керак!

Туман ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи аъзолари 2000 йилнинг 12 ноябри тунида Шофирконтуманида фирибгар Б. Тоғаевни қўлга олишди. Маълум бўлишича, Баҳриддин ўша куни тонг саҳардаёқ, яна ичиб олиб Шофирконга бориб бир савдо дўконидан 4905 сўмлик маҳсулот харид қилади. Дўкончи А.Бақоевни лақиллатиб, ёнимда пулим йўқ, дея гаровга Раҳим Камоловнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини беради. Яна усталик билан ундан 1500 сўм «қарз» ҳам олади. Бундан ташқари, киракашлик қилиб, К. Атауллаев деган фуқародан хизмат ҳақидан бўлак 2000 сўм «қарз» олиб, гаров сифатида унга Раҳим аканинг ҳайдовчилик талонини бериб, йўлида давом этган.

Фирибгарлик одам танламас касб эканлигини Бухоро шаҳар Жўбор кўчасида яшовчи йигирма бир баҳорни қаршилаган номи жисмига мос Шаҳло Қурбонова қилмишлари билан далиллаб берди. У шайтон йўлига кирмай ҳалол меҳнат қилганида эди, кимнингдир севимли ёри бўларди. Афсуски, у фирибгарлик нонини ширин деб билди ва кўплаб аёлларни алдади. Алданганлар орасида Бухоро шаҳридаги 6-кичик туманининг 37-уй, 69-хонадон соҳибаси Шаҳодат Ярашева, айниқса, кўпга тушди.

— Опажон, дадам автомашина сотиб олмоқчилар, қўлимиз калталик қилиб турибди, — қиз ер чизиб гапирарди. — Агар иложи бўлса, 400 минг сўм бериб турсангиз... узоғи билан икки кунда қайтарардим.

Аёл қизга ишонди, ўлжани қўлга киритган фирибгар эса жуфтакни ростлади.

**Ё, АЛҲАЗАР!**

— Ёлғонга тўн кийдирадиган Шаҳло бу билан оғзи ширин бўлди чоғи, — дейди Ф. Хўжаев туман прокуратураси терговчиси Ашраф Мажидов, — тап тортмай фаолиятини давом эттиради. Кўпдан бери қўшниси Замира Баҳронованинг тилла занжирига кўнгли кетганди унинг. Ундириш йўлини ҳам топди.

— Шу тилла занжирингизни бир соатга бериб турсангиз, — деди у аёлни авраб, — қачондан бери мен сизникидек тилла занжирга ҳавас қиламан. Бир зумда бориб, заргарга «заказ» берардим.

Аёл қизнинг раъйини қайтармади. Аммо, кейин билди чув тушганини, шўрлик.

— Фирибгарликнинг охири вой, — дейди Вобкент туман суди раиси Б. Орипов, — ўз уйига сиғмаган фирибгар Баҳриддин Тоғаев ҳибсхонада 12 йил умргузаронлик қилади энди.

Ҳа, ҳар ким экканини ўради. Шаҳло энди саккиз йил ўз «касби»нинг аччиқ мевасини татийди. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтадилар-да...

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ДУНЁ КЕЗГАН ЛИБОСЛАР

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази ҳамда М. Турғунбоева номли «Ўзбекрақс» миллий рақс ансамбли ҳамкорлигида Амалий санъат музейида Тожихон Мусаеванинг «Дунё кезган либослар» номли шахсий кўргазмаси очилди. Унда республикамизнинг кўзга кўринган раққос ва раққосалари, бадиий жамоалари қатнашдилар. Кўргазмани Амалий санъат музейи директори Турғун Дўстаев очди. Кечада Ўзбекистон халқ артистлари Роза Каримова, Қундуз Миркаримова, шунингдек, Нафиса Содиқова, Ўткир Тоҳировлар сўзга чиқиб, Тожихон Мусаеванинг умр йўли ва ижоди ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Тожихон Мусаева 1958 йилдан бери либосларга безак бериб келмоқда. Унинг тиккан либослари раққосларимизни бутун жаҳонга танитди. Ҳар бир рақс ва қўшиқнинг ўзига хос либослари томошабин руҳиятида катта таассурот қолдиради. Саҳна либослари устаси Тожихон Мусаеванинг яратган либослар асосидаги шахсий кўргазма 15 мартгача давом этади.

■ **Нигора ЎРОЛОВА, «Қаламкаш» тингловчиси**

